

O'zbekiston OVOZI

ПРЕЗИДЕНТ МАТБУОТ КОТИБИ
ХАБАРИ АСОСИДА

ЭХТИЁЖМАНД АҲОЛИГА БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН ТАРҚАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида юрак қон-томир ва эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда келтирилган муҳим рақамлар, белгиланган вазифалар:

— сўнгги беш йилда юрак-қон томир касалликлари 20 фоизга, ҳатто ёшлар орасида ҳам кўпайган;

— 40 ёшдан юқори аҳолининг 20-25 фоизиди гипертензия аломатлари мавжуд;

— келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли (10 миллион нафар) оилавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади;

— туман лабораториялари коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланади;

— юрак-қон томир касалликлар аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади;

— юрак-қон томир касалликлари учун эналаприл каби дорилар доимий равишда 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади;

— бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун келгуси йилда бюджетдан 580 миллиард сўм берилди. Бу жорий йил харажатларидан 3 баробар кўп;

— туман шифохоналарига 4 турдаги кардиология ўсқуналари ўрнатилиб (ЭКГ, ЭхоКГ, холтер-монитор ва дефибриллятор), кўрсатиладиган хизматлар 5 тадан 15 тага оширилади. Бунинг учун қўшимча 60 миллиард сўм йўналтирилади.

Президент кардиология хизмати қулайлиги ва қамровини ошириш бўйича қатор янгиланишларни эълон қилди. Жумладан:

— Республика кардиология марказининг вилоят филиалларида кўрсатиладиган хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳар йили энг намунали маҳаллалар танлаб олинди, уларда замонавий фитнес кўчаларини барпо этиш учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Вилоят ҳокимларига иккитадан, туман ва шаҳар ҳокимларига биттадан намунали маҳаллада шундай ишларни ташкил қилиш топширилди.

ИНСОННИ ҚАДРЛАШ СТРАТЕГИЯСИ



2-3 САҲИФАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказиладиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркия Республикасида ташриф билан бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, "яшил" иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва устувор йўналишларда кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташрифи дастурида Истанбул шаҳрида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши 2009 йилда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида тузилган.

Бугунги кунда Кенгашга Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо. Мамлакатимиз ташкилотга 2019 йилда қўшилди. Венгрия Туркий кенгашда қузатувчи мақомга эга.

ЎЗА

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ВАЗИФАСИ

2 САҲИФА

ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.

Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни рўёби оилалар, хонадонларда сезилиши зарур.

ИНСОННИ ҚАДРЛАШ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси:

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ВАЗИФАСИ

электрат манфаатларини самарали химоя қилишда долзарб аҳамият касб этиши ҳақида кўплаб фикр-мулоҳаза-лар билдирилди.

Давлат бошқарувини демократик ислоҳ этишни изчил давом эттириш, иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиётга эътиборни кучайтириш, ижтимоий химояни тақомиллаштириш масалалари Халқ демократик партияси учун принципиал сиёсий аҳамиятга эгадир.

Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани маҳаллаларда яққол, аниқ кўринади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни рўёби оилалар, хонадонларда сезилиши зарур. Президентимиз бутун давлат ва жамият бошқаруви тизими имкониятларини мана шу эзгу мақсадга катта куч ҳамда иштиёқ билан сафарбар этмоқдалар. Бу тамойил нафақат жойлардаги ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этишга, энг асосийси, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига реал шароит яратишга хизмат қилади.

Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналишида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, жамоатчилик назорати механизmlарини амалда таъбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш назарда тутилган.

Кучли фуқаролик жамияти куриш

ҳақида гап кетганда, Халқ демократик партияси ҳокимлар ваколатини қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий Кенгашларнинг таъсир доирасини кенгайтириш тарафдори бўлиб келганини таъкидлаш керак. Чунки бизнинг электрат манфаатлари билан боғлиқ аксарият масалаларнинг тақдири ҳудудларда ҳал бўлади. Ҳокимларнинг депутатлар корпуси олдидаги ҳисобдорлиги, маҳаллий вакиллик органлари томонидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши қонунлар, қарорлар, давлат дастурлари ижроси таъминланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ранг-баранг масалаларни ҳал этиш, ресурсларни тасарруф этишда кўпнинг ҳулосаси, албатта, аҳоли вакили бўлган депутатларнинг қарори асос бўлиши ижтимоий адолат ҳамда демократия нуктаи назаридан тўғридир.

Партиямиз халқ депутатлари Кенгашларида 1600 нафардан ортик депутатлик ўрнига эга экани бу йўналишда ҳам имконият беради, ҳам масъулиятимизни икки ҳисса оширади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда катта ва тарихий аҳамиятга эга мавра. Бу натижага эришилиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилишини ҳам англатади. Яъни, камбағаллик икки баробар қисқариши жуда қўллаб соҳаларда ҳақиқий ўсиш бўлганининг қафолати

бўлиб хизмат қилади.

Партиямиз Тараққиёт стратегиясидаги уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга эришиш мақсадларини ҳам фаол қўллаб-қувватлайди. Бойси, бу йўналишда кейинги йилларда амалга оширилган улкан лойиҳалардан биринчи навбатда бизнинг электрат, эҳтиёжманд қатлам манфаатдор ва миннатдор бўлди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича йирик лойиҳалар ҳам электратимиз манфаатларига хизмат қилади.

Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни қафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга аниқ квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бу ногиронлиги бор шахслар ўзини жамиятнинг бир бўлгачи сифатида хис қилишига имкон беради. Партиямиз ва унинг фракцияси ҳам соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш нуктаи назаридан ўз тақлиф ва тавсияларини беради.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни химоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур

қабул қилиниши кўзда тутилган. Дастурни тайёрлашда партиямиз фаоллари ўз тақлифлари билан фаол иштирок этади.

Тараққиёт стратегияси, унда илгари сурилган тақлиф-ташаббусларнинг тарихий аҳамияти ҳақида узок фикр юритиш мумкин. Бирламчи вазифа – Президент нутқидаги ғоя ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, партиямиз аъзолари ва электрат вакилларига етказишимиз, уни рўёбга чиқаришда ҳар биримиз масъул эканимизни тушунтириб беришимиз зарур.

Шунинг учун Халқ демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари, барча депутатлик бирлашмалари, 10 мингга яқин бошланғич ташкилотлари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг аҳамиятини очиб беришга қаратилган очик мулоқот ва эркин суҳбат шаклидаги тадбирларни барча ҳудудларда ўтказмоқда.

Партиямиз Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг стратегиянинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган асосий вазифалари бўйича маҳсус "йўл харитаси" тайёрланмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Стратегия "инсон – жамият – давлат" деган янги тамойил асосида ташкил этилади. Мазкур тамойил бош шiori "Барчага ғамхўрлик – давлатнинг бурчи" бўлган Халқ демократик партияси мақсад ва вазифаларига ҳар томонлама мос келади. Стратегияни тақомиллаштириш ва амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этишни Халқ демократик партияси ўзининг муҳим сиёсий вазифаси, деб билади.

ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМДАН КЕЛАДИ



Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— "Боғча опаси бақирмадимикан? Синф хонаси иссиқмикан? Болам тинчмикан?". Мамлакат миқёсидаги раҳбар ҳам, бозордаги арава хизмати кўрсатадиган инсон ҳам ҳар куни камида бир марта шу ҳақида ўйласа керак.

Айниқса, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия, ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг ижтимоий химоясини таъминлаш масалаларида муҳим ғоя ҳамда вазифалар белгилаб берилиши партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Чунки таълим-тарбия мамлакат келажагини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Кейинги йилларда таълим тизимида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга ошмоқда. Соҳани замонавий мезонлар асосида тақомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Минглаб янги таълим муассасалари барпо этилди. Узок йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ҳал этиляпти.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафардан зиёд ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилгани ва умумий қамров 4 йил аввалги 9 фоиздан 28 фоизга етказилгани, 2016 йили Ўзбекистонда олийгоҳлар сони 77 та бўлган бўлса, 2021 йилда 141 тага етказилгани мамлакатимиз ислохотлар йўлидан қайтмаслиги ва белгиланган мақсадлар сари дадил одимланаётганининг тасдиғидир. Мамлакатимизда 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказиш режаси бу борада янада катта ишлар амалга оширилишини англатади.

Аммо Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, бу ҳали ҳаммаси эмас. Қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилади. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида минг долларга етказиш чоралари кўрилади. Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50

фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазифа, деб қаралади. Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва даражасини замон талаблари асосида тубдан яхшилаш, заҳматкаш устозларимиз, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган барча фидойий инсонлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг кадр-қимматини юксалтириш, ижтимоий химоясини таъминлашга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам биз таълим-тарбия тизимида бундай ёндашувини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаш масаласи ҳам кун тартибиде турибди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Шунингдек, республикаимиздаги ҳамма боғчалар ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб борилади. Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш мақсадида тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларнинг малакаси оширилади. Болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар куриш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, соҳанинг барча босқичлари ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чиқилади. Янги олий таълим муассасаларини ташкил этиш билан бирга, талабаларни турар-жой билан таъминлаш бўйича бошланган ишлар жадал давом эттирилади. Бу мақсад ҳам партиямизнинг дастурий ғояларига ҳамоҳанг.

Албатта, бу борадаги стратегик вазифаларнинг ҳаётга самарали жорий этиш фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар, биз депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Аввало, таълим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳамкорликни кучайтиришимиз керак, деб ўйлайман. Ёшлар билан учрашувларда кўпроқ очик ва самимий мулоқотларни кўпайтириш, уларнинг қалбига қўл солиш, орзуларига, мақсадларига тўсиқ бўлаётган муаммоларини ўрганиш, тезкорлик билан уларни ҳал қилиш чораларини кўриш лозим, деб ўйлайман. Шунингдек, олис қишлоқлардаги мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва замонавий билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш масаласи ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Партия фаоли, депутат сифатида бу йўналишда ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, асосли ва муҳим тақлифлар тайёрлаш, мутасадди вазирликлар билан ҳамкорликда уларни ҳал қилиш чораларини кўришимиз керак. Шунингдек, таълим тизимидаги ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун ва қарорлар ижроси устидан изчил парламент назоратини олиб бориш асосий вазифамиз ҳисобланади.



Матлуба ТҲҲЧИЕВА,
ЎзХДП Бўстон туман кенгаши раиси,
Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

— Президентимиз нутқини диққат билан тингладим. Тинглаб англадимки, бу инсонни тушуниш осон. Давлатимиз раҳбари масъулиятли ва шарафли лавозимига киришар экан, кўнглидан ўтаётганларини, эзгу мақсадларини, олижаноб режаларини халқимиз билан ўртоқлашди. Ўз нутқида муҳим йўналишларни баён этар экан, Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган энг устувор вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Хусусан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар янги поғонага кўтарилишини таъкидлади.

Келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилиши, жумладан, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимини жорий этилиши, ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга масъул бўлиши ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз ўз нутқида ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджетни қўшимча манбалар билан таъминлашни, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилишини айтиб ўтди.

Ана шу маблағлар сарф-харажати туман Кенгаши сессиясида тасдиқланаркан. Бу дегани, ҳудуддан сайланган депутат ўша ердаги маблагни

ПРЕЗИДЕНТНИ ТУШУНИШ ОСОН

назорат қилувчи ҳисобланади. Сарф-ланадиган маблағлар ҳисоб-китоб қилиниб, Кенгашга тақдим этилади ва депутатлар уни тасдиқлайди. Масалан, битта маҳаллага сув керак, биттасига электр симёғоч, бирининг йўллари асфальт қилиниши керак. Ана шуларга ажратиладиган маблағлар кенгашда тасдиқланиши биз депутатларга ҳам катта масъулият юклайди, деганидир.

Фикримча, ана шу маблағлар борасидаги тақлифлар депутатларга бўлаётган мурожаатлар асосида ҳам киритилса маъқул бўлади. Депутатлар ҳудудлардаги муаммолардан келиб чиқиб, маблағ ажратиши ҳам тақлиф қилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Менинг сайлов округимга кировчи "Бўстон" маҳалласида ҳам аҳолини ўйлантираётган масалалар йўқ эмас. Бу маҳалла "Обод маҳалла" дастуридан чиққан. Лекин маҳалламизга 10 та бетон симёғоч керак. Кеча шу масалада туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови юбордим. Битта кўчанинг 400 метрли йўлини асфальтлаш бўйича ҳам масъул ташкилотга хат чиқардим. Яқин кунларда бу масалалар ижобий ҳал этилишига умид қиламиз.

Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилиши, биринчи навбатда, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, шу орқали бандликни таъминлаб, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади. Биз депутатлар ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этишимиз керак, албатта. Худудимиздаги ҳар бир хонадонга кириб, ким ўзини ўзи банд қила олади, кимга иссиқхона, кимга парранда, қорамол керак, кимга ишлаб чиқариш дастгоҳлари зарурлигини аниқлаган ҳолда, ҳоким ёрдамчиси билан вазиятга тўғри баҳо бериб, аниқ ҳулоса чиқариш зарур. Мисол учун, битта хонадон бекаси ўйда туриб ишлаш имконига эга, айтайлик, томорқаси бор. Унга субсидия асосида иссиқхона қилишга кўмаклашилса, ҳам ўзини ўзи банд қилади, ҳам оиласига, рўзғорига нафи тегади.

Қаранг, Президент қўйган мақсад самимий ва тушунарли. Қўйилган вазифаларни бажариш ҳам мушкул эмас. Асосий масала депутатларнинг фаоллиги ва талабчанлигида қолди.

Очиқлик, шаффофлик меъёр даражасига чиқди. Йиллар давомида жамият ривожига тушов бўлиб тўпланиб қолган, ҳал этиш мумкин эмасдай туюлган нақд пул, “прописка”, коррупция, сўз ва эътиқод эркинлиги каби масалалар дадил кўтарилди ҳамда уларга конструктив ечимлар қилинди.

СТРАТЕГИЯСИ

ИСЛОҲОТЛАР БАРДАВОМ, ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

МУСТАҲКАМ МАЪМУРИЙ СУДЛАР

инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати



Махмуджон ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янги биносида Президентимизнинг лавозимга киришишига бағишланган тантанали маросим мамлакатимизда халқимиз билан бошланган демократик ислохотлар йўли қатъий давом эттишини, бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтилмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Биз давлат раҳбаридан худди шу қатъиятни, жамиятимиз учун ниҳоятда долзарб ҳисобланган худди шу сиёсатни кутгандик. Шу боис ҳам қасамд маросими ва ундаги тарихий нутқ халқимиз томонидан мамнуният билан қарши олинди.

Наинки мамлакатимизда, балки халқаро доираларда ҳақли таъкидланаётганидек, биз ўзгардик, жамият ўзгарди. Ўзгарганда ҳам моҳиятан туб янгиланишлар билан қадди тикланаётган Янги Ўзбекистон феноменига гувоҳ бўлиб турибмиз. Демократик янгиланишлар ижтимоий ҳаётимизни мазмунан бойитди. Очиқлик, шаффофлик меъёр даражасига чиқди. Йиллар давомида жамият ривожига тушов бўлиб тўпланиб қолган, ҳал этиш мумкин эмасдай туюлган нақд пул, “прописка”, коррупция, сўз ва эътиқод эркинлиги каби масалалар дадил кўтарилди ҳамда уларга конструктив ечимлар қилинди. Агар ўтган беш йилни кунма-кун таҳлил қилинсаям бирор кун беиз ва бесамар кетмаганига гувоҳ бўлади одам.

Назаримда, Президент Давлат раҳбари сифатида халқимизга кучли рағбат бера олди, ҳар бир инсонда бор салоҳиятни намоён этишга иштиёқни уйғотди, шахсий ибрати ва кундалик амалий фаолияти билан ҳар биримизда юртга, Ватанга меҳр ва садоқатни амалда бахш этишга ундай олди. Натижада дипломатиянинг расмий қолипларига эмас, тарихий ҳақиқатга, қадрият даражасига кўтарилган ўзбекона очик чеҳралик, самимиятга асосланган, конструктив шерикликка қаратилган муносабатлар қарор топди. Ўтган қисқа даврда Марказий Осиёда ўзаро биродарлик ва ҳурмат, самимий қўшничилик муносабатларига асосланган стратегик шериклик тамойиллари қарор топди ва ҳозир юзага келган муносабатлардан ҳамма баробар манфаат кўрмоқда.

Президентимиз қасамд маросимидаги нутқида “Инсон қадри учун” тамойилига алоҳида тўхталди. Бу бежиз эмас. Зеро, тараққиёт стратегиясида инсоннинг шаъни муносиб даражага кўтарилиши, унга етарли турмуш, меҳнат, илм олиш шароитлари яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор аҳамият касб этиши белгиланмоқда. Бинобарин, бу ёруғ дунёда ҳар қандай эзгу амал ва фаолият инсон учун, унинг бахт-саодатига йўналган бўлади. Шу маънода бугун мамлакатимизда бошланган ва изчил давом этаётган ислохотлар фақат ва фақат инсон манфаатларига, кадр-қимматини, иззат-икромини жойига қўйишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш “инсон – жамият – давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этилиши муносабати билан еттига устувор вазифа белгилаб берилди. Инсон кадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартлари мужассам бўлган усутувор йўналишлар орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларимиз янги поғонада қизғин давом эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш учун мамлакатимизда амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар муайян натижаларини бермоқда. Айни вақтда олдимизда ҳал этилиши керак бўлган, жамиятимизда аёлнинг, оналарнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муаммоларини бартараф этиш, қизларимизнинг салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтаришдек шарафли вазифа турибди. Президентимиз ана шу мақсадни кўлаб мамлакатимизда Миллий дастур қабул қилинишини қайд этди.

Дарҳақиқат, бу жуда олийжаноб эзгу мақсад ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Чунки, миллионлаб оилаларнинг оқила бекалари ҳисобланган аёлларга, жамиятимиз маънавияти ва маърифати учун фидойи оналаримизга, ақли, зукко, илм-фанда бор салоҳиятини намоён этишга қодир қизларимизга юксалиш, янги имконлар эшигини очади, уларнинг кадр-қимматини оширади, ижтимоий дахлдорлик кучайишига ҳизмат қилади. Айниқса, дастурнинг миллий аъналаримиз, тарихий маърифатимиз, боқий қадриятларимиз асосида ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши жамият ривожига, халқимиз ҳамжиҳатлигига ҳисса қўшади.



Шухрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Маълумки, ҳар бир суд тизимининг асосий чўққиси мустаҳкам барпо этилган маъмурий судлардир. Нега деганда, айнан маъмурий судлар ҳар бир фуқаронинг давлат идоралари қарорлари ёки ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаатини адолатли қуриш ҳамда инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун яратилган.

Айнан шу аснода, Президентимиз "...келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади", деб таъкидлади.

Ҳозирги мураккаб глобаллашув замонда ҳар бир давлат иқтисодиётининг тараққий қилиши бежиз ундаги хусусий мулкка нисбатан шаклланган муносабат билан ўлчанмайди. Чунки давлатда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмнинг тўлиқ барпо этилиши ушбу давлатда иқтисодий барқарорликка эришилиши кафолатидир.

Ўз ўрнида, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг асосий гаровларидан бири барқарор равишда қарорлар қабул қилишга қаратилган ҳар томонлама мустақил суд тизимини шакллантиришдир. Демак, суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизим яратишга ҳизмат қилади. Бу эса жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақиға

хизмат қилади.

Ушбу фикрни таҳлил қилсак. Тадбиркор ёки мулкдор ким бўлишидан қатъи назар, у аввало мана шу юрт фуқароси. Унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳамияти икки ҳисса ортади. Зеро, ушбу тоифа кишилар нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам даромадга эга бўлиши учун интилади. Яна бир жиҳати, тадбиркорлар синфи кўпайса, солиқ тушумлари ортади, бюджет мустаҳкамланади.

Шундай экан, тадбиркор ва мулкдорлар мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятига оид қонун бузилиши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатдир.

Шунингдек, бошқа йўналишларда бўлгани каби ушбу соҳада ҳам коррупцияга қарши курашиш масаласи устувор бўлиб қолаверади. Хусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий тамойил сифатида белгиланган экан, давлат идораси маълумотиға ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқи бузилмаслиги зарур. Айнан ушбу нуқтада меъёрий ҳужжатлар тўлиқ ифодасини топади. Тараққиёт кушандаси бўлган коррупция иллатига барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ҳамда воситалари сафарбар этилади.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Бунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ҳамда қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараён парламент вакилларига алоҳида масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмни шакллантириш орқали халқ фаровонлиги таъминланади. Мустақил суд тизимига эришиш иқтисодиётимиздаги инвестиция муҳитини ривожлантиради. Асосийси, шу орқали барча ижтимоий соҳаларга йўналтирилган дастурларни тўла бажаришга ва аҳолини рози қилишга эришилади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 15 ВАЗИФА



Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюжет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Биламизки, бундан 5 йил олдин Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган эди. Унда 5 та асосий йўналишлар танлаб олинганди. Эндиликда эса Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари қадам босаямиз.

Айтиш керакки, Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида муаммолар йиғилиб қолган эди. Жуда кўп масалалар ечими ортга сурилганди. Шунинг учун ҳам ушбу муҳим ҳужжат аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан ҳаётимизда туб бурилиш ясади, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Масалан, миллий иқтисодиётимизни

ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор эътиборга молик ислохотлар олиб борилди. Биринчи марта конвертация масаласи ҳал этилди. Пул-кредит соҳасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ўзининг яхши самарасини бермоқда. Бундан ташқари, иқтисодиётимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган қатор масалалар ечим топди.

Президентимиз нутқида биз эришган мана шу ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган хато ва камчиликларни очик тан оlinиб, келгуси 5 йилликда ҳам бу масалаларнинг ҳаммасини жой-жойига қўйиб, ҳал этиш кераклиги алоҳида ўқтирилди.

Бевосита устувор вазифаларга тўхталадиган бўлсак, албатта, Тараққиёт стратегияси мамлакатимизни ривожлантириш учун қўйилган қадамларни, ҳаракатларни янада фаоллаштириш, тараққиёт учун янада дадил одимлаш мақсадларини илгари сурди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш йўл-йўриғи, механизмларида эндиликда аниқ ўзгаришлар бўлади, ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиладди.

Хусусан, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш бўйича 15 та вазифа белгилаб берилди. Биринчи навбатда, мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш мақсад қилинди. 2030 йилга бориб, давлатимиз жон бошига

ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши керак.

Бунинг учун ҳар бир аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни камида 2 баробарга оширишимизга тўғри келади. Бу жуда долзарб ва шу билан биргаликда жуда муҳим, оғир масаладир. Шунинг учун ҳам бу мақсадга эришишда аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Булар иқтисодиётни ривожлантириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Агарда дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бирон-бир мамлакатни ёпиқ ҳолда, чет эл инвестициялари жалб этилмасдан, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу йўналишга алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас.

Яна бир муҳим масала. Биз хомашёдан тайёрланган маҳсулотларни чўқур қайта ишлаш тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишимиз лозим. Ҳозир ҳудудларимизда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш тобора ривожланиб бормоқда. Тўғриси айтиш керак, маҳсулотларни бирламчи қайта ишлаш билан ҳеч ким бойимайди. Шунинг учун кластер тизимининг имкониятларидан самарали

фойдаланиш талаб этилади. Бу давр талаби. Хомашёни етиштиришдан тортиб, бирламчи, иккиламчи қайта ишлаш, якуний маҳсулот етиштиришгача бўлган жараёнда қийматлар занжирини қанчалик узун қилсак, шунчалик кўп даромад оламиз, катта фойдага эга бўламиз. Бу орқали иш ўринлари яратиш имкониятлари ҳам янада кенгайди. Шунинг учун келгуси 5 йилликда “хомашёдан – тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш вазифаси турибди.

Энг муҳими, ушбу вазифалар партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоханг бўлиб, аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш, иш ўринлари яратиш орқали уларнинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадларини кўзлайди. Шунинг учун биз депутатлар, партия фаоллари бу вазифаларнинг аҳамиятини чўқур ҳис этишимиз керак ва уларни амалга оширишда янада фаол, ташаббускор бўлишимиз лозим.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган ҳар бир муаммони парламент назорати тартибиде чўқур ўрганиш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ ва асосли таклифлар ишлаб чиқишимиз керак. Ўйлашимча, халқ депутатлари Кенгашларидаги ҳар бир партия гуруҳимизда бу борада аниқ тасаввур ва режа бўлиши зарур.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР КУЧЛИ ЖАМИЯТ ДЕМАКДИР



**Малика
ҚОДИРХОНОВА,
Сенатнинг
Хотин-қизлар ва
гендер тенглик
масалалари
қўмитаси раиси:**

— Сўнгги вақтларда жамиятда аёлларнинг мавқеи мустақамланиб бораётгани ҳеч биримизга сир эмас. Давлат ташкилотлари, жамоат хизматларида аёллар кенг фаолият юритмоқда, уларнинг бошқарувдаги роли ҳам ортиб бормоқда. Қолаверса, бугун аёл сиёсатда ҳам фаол! Халқ демократик партияси сафи ва тизимида ҳам жамиятда ўз ўрни ва ўз сўзига эга, давлат бошқарув органларида меҳнат қилаётган таниқли, фаол, сиёсатчи раҳбар аёллар талайгина.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда партиямиз сафидаги аъзоларнинг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг 50 фоизини ҳамда маҳаллий кенгашларда эса 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 280 мингга яқин партиямиз сафидаги хотин-қизлар ичида Ўзбекистон Қажрамони, ҳоким, олималар, профессору, фан докторларидан торттиб, тадбиркору, шифокор, ўқитувчи ҳамда талабаларгача бор. Бу эса партиямизда ҳар доим ҳам гендер тенглигига ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга эътибор қаратилганлигидан дарак беради. Чунки аёл фаол бўлса, миллат баркамол бўлади, жамият ривожланади, ишда тартиб-интизом бўлади, энг муҳими партия дастури ва мақсадларини тарғиб қилувчилар, қўллаб-қувватловчилар кўпаяди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил Ўзбекистон тарихидаги барча парламент ва Президентлик сайловларида иштирок этиб келаётган ягона сиёсий куч ҳисобланади. Бу йил партиямиз тарихида илк бор Президентликка аёл киши номзоди кўрсатилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида авваламбор сиёсий партиялар сафига хотин-қизларни янада кўпроқ жалб этиш, ижтимоий тармоқларда хотин-қизларга оид расмий канал ва сайтларни янада кўпайтириш, давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш олдимиздаги энг устувор вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллик билан тенгдош, елкадош бўлиб, муносиб сиёсий йўлни босиб ўтди. Ислоҳат ва ўзгаришларда фаол қатнашди. Сафларида минглаб ижтимоий ва сиёсий фаол кадрларни тарбиялаб, Ватанимиз равнақиға, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Партиямиз, айниқса, ижтимоий ҳимоя масалаларига мунтазам эътибор қаратмоқда, ўз платформаларида ижтимоий нозор қатламлар муаммоларини ҳал этиш йўллари фаол илгари сурмоқда. Айнан шу жиҳатлари билан халқимизнинг муносиб эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Партиямиз ташкил топганлигининг 30 йиллиги билан партиямиз фахрийларини, Ўзбекистон сиёсий майдонидаги фаолларимизни ва эътиқодини партиямиз билан боғлаган барча-барча ватандошларимизни муборакбод этаман. Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги орзу-умидларимиз рўёбга чиқишида ҳаммага омад ёр бўлишини тилайман.



**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раис
ўринбосари:**

— Партия деганда кўз олдингизга ғоявий жиҳатдан маслакдош бўлган, манфаатлари муштарак, шунингдек, муайян ишни бажариш учун кўнгилли



**Акмал ТУРСУНБОВЕВ,
Халқ демократик
партияси Марказий
Кенгаши Аппарат
бошлиғи:**

— Ўқув юртини тамомлаб, биринчи иш бошлаган жойим Халқ демократик партиясидир. Ёш кадр ташкилотнинг фаолият юртишида нимани билиши керак бўлса, аста-секин ўргандик, ўрганилди. Халқ демократик партияси биз учун катта майдон, тажриба мактабидир.

Қарийб 12 йил давомида партия Марказий Кенгашининг



**Аброр ҚУРБОНОВ,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши бўлим
бошлиғи:**

— Демократик жамиятни сиёсий партияларсиз барпо этиб бўлмайди. Нимага деганда, сиёсий партия ҳам-фикрлар жамоасидир. Давлат ҳоки-

Халқ демократик партияси ташкил этилганига 30 йил бўлди.

ПАРТИЯ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА...

кишилар бирлашмаси намоён бўлади. Партиясиз жамиятни тасаввур этиш мушкул. Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юкасашишида ушбу институтнинг ўрни беқиёс.

Ўзгаришларнинг айтишича, жамиятда сиёсий фаолликка эришиш учун у ёки бу сиёсий партияга аъзо бўлиш даркор. Шу насиҳатга амал қилган ҳолда мен ҳам мана қарийб ўн йилдирки, отахон партия ҳисобланмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосиман.

Аксар ҳолларда одамлардан "Шу партия нима қилиб беради ўзи? Унга аъзо бўлишдан нима наф?" деган қарашларга ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Шу пайтда сиёсий партия сабаб эришган ютуқларимни мисоллар келтириш орқали уларнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қиламан.

Айтишим керакки, Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш орқали кўплаб яхши натижаларга, энг муҳими, сиёсий

билимга эга бўлдим. Хусусан, 2012 йилда партиянинг ёшлар ўртасидаги йирик лойиҳаларидан "Ёш сиёсатчи" кўриктанлови ғолибига айландим. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Парламентаризм билимдони" танловида ғалабага эришимда ҳам партиянинг ўрни катта. Шунга ўхшаш жуда кўплаб танлов ва мусобақаларда совриндор бўлишимда партиянинг ҳиссаси бор, албатта.

Қолаверса, аввал вилоят, сўнг Қонунчилик палатасида халқ вакили сифатида фаолият олиб боришимнинг таг замирида ҳам сиёсий партияга аъзолигим туради. Умуман, тақдиримдаги катта-катта ютуқларим, шу кунга қадар эришганларимнинг барчасида Халқ демократик партиясининг ўрни беқиёс, деб биламан.

Партиямиз ташкил топганининг 30 йиллик тўйи билан барча партиямиз фахрийларини ва унинг сафларида хизмат қилаётганларни табриклайман!

БИЗ УЧУН КАТТА ТАЖРИБА МАКТАБИ

турли бўлимларида ҳамда иккита минтақавий кенгашда иш олиб бордим. Ушбу тажрибалар мени яхшигина тоблади. Шахсий ҳаётда ҳам инсонпарвар, адолатпарвар бўлишга ундади.

Йиллар давомида бир нарсасга амин бўлдимки, партиялар ичида Халқ демократик партияси бой тарихга ва ўзининг катта мактабига эга сиёсий ташкилотдир. Бу даргоҳдан давлат бошқарувида муваффақиятли фаолият олиб бораётган кўплаб сиёсий арбоблар чиққан. Республикада ўтказилган барча сайловларда муносиб натижаларни қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлган илк йилларда ташкил этилган партиямиз тарих учун қисқа, лекин партия ҳаёти учун катта бўлган даврни босиб ўтди.

Ишончим комилки, партиямиз бундан кейин ҳам сиёсий майдонда ўзининг мустақам ўрнини сақлаб қолади ва кўплаб ютуқларни қўлга киритишда давом этади. Албатта, бу жараёнда қўлимиздан келганча бирлашамиз, фаолларимиз, депутатларимиз билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қиламиз.

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ЙЎЛ...

мияти вакиллик органларидаги ўз вакиллари орқали давлат бошқарувида иштирок этишни кўзлаган ҳамфикр одамлар гуруҳининг манфаатлари сиёсий партиялар орқали олиб чиқилади.

Халқ демократик партияси ташкил этилганидан буён мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, электротар манфаатини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Партиямизнинг минглаб аъзолари, хайрихоҳлари, депутатлари ва фаоллари кайфиятида, руҳияти ва суҳбатида байрам қувончи ҳукмрон. Шундай пайтда партиямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти тўғрисида икки оғиз фикр билдиришни жоиз топдим.

Ҳаёт йўли, фаолиятим айнан Халқ демократик партияси билан боғлиқ. Ўқишни тамомлагач, турли соҳаларда

фаолият олиб борган бўлсамда, дастлабки меҳнат фаолиятимни партиянинг Учтепа туманидан бошлаганман. 11 йилдирки Халқ демократик партияси билан бир сафдаман, ҳамнафас ва ҳамфикрман.

Партиямиз ўтган давр мобайнида ғоят шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, десам, муволафа бўлмайди. Ўзбекистон сиёсий майдонининг бир қисмига айлانган партиямиз мамлакатда ижтимоий ҳимояни таъминлаш, кам даромадли аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳаракатидан тўхтагани йўқ.

Сиёсий куч сифатида ҳукмат олдиға электротар манфаатларидан келиб чиқиб, долзарб масалаларни кўтариб чиқмоқда.

Халқ демократик партияси сафида эканлигимдан, шу партия билан мақсадларимни ва фаолиятимни боғлаганимдан фахрланаман!

„ПАРТИЯ – ҲАЁТИМНИНГ БИР БЎЛАГИ“

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов билан суҳбат



— Аввало, сизни Халқ демократик партиясининг 30 йиллиги билан, шунингдек, партиянинг нуфузли "Эҳтиром китоби"га ҳам номингиз киритилгани билан табриқлаймиз. Орта қаралса, 30 йил кичкина муддат эмас. Партия сизнинг ҳаётингизда қандай ўринга эга?

— Саволингиз жуда оддий кўринса-да, аммо бунинг таг замирида бир инсоннинг бутун бир ҳаёти ушбу партия, яъни сиёсат билан боғлиқлигини юракдан ҳис этиб, англагандан сўнг унга жавоб бериш бироз қийинчилик туғдиради. 1995 йил... Энди 24 ёшга кирган йигитман. Ўша кезларда Қарши давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқитувчи бўлиб ишлардим. Бир куни яқин инсонлар даврасида ўзаро суҳбатлашиб ўтиргандик. Мен гап орасида ижодий таътил (стажировка) га чиқаётганимни,

энди талабаларга дарс машғулотлари ўтмаслигимни ва бўш вақтим кўпроқ бўлишини айтдим. Шунда, даврада ўтирганлардан бири, бизга ишлагани келмайсизми, деб қолди. Мен, қанақа иш, фаолиятим нимадан иборат бўлади, деб сўрадим. У киши фақат ёзиш, қарорлар тайёрлаш керак, маоши ҳам яхши, деди. Қандай ташкилот экан, деб сўрадим. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши эканини айтди. Раҳбари Олий Мажлис депутати Фармон Омонов эканини, суҳбатга боришимни айтди. Вилоят партия кенгаши билан суҳбатимиз анча давом этди. Шундан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ишга олиндим ва шу тариқа партия ҳаётимнинг ажралмас бўлагига айланди. Мана, партияда ишлаётганимга ҳам 29 йил бўлди. 2009 йилдан буён Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқдаман.

Сўнги уч йилда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда фаолиятга татбиқ этилиши натижасида улар томонидан 280 та масала сессия ва доимий комиссиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

— Вилоят партия ташкилотининг фаолияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.
— Вилоят партия кенгаши ўз

фаолиятини бугунги кун талаблари асосида кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Худудда партиямизнинг 40783 нафар аъзоси 792 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Улар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Партия аъзоларининг 16364 нафари аёллар ва 13786 нафари ёшлардир. Бошланғич партия ташкилотлари фақат аъзоларни бирлаштирувчи, аъзолик бадалларини тўловчи, тадбирларни ташкил этувчи тизимга бўлибгина қолмасдан, балки у партиянинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тушунириш ва тарғиб қилиш бўйича ишларни ҳам бевосита олиб бормоқда. Шу боисдан вилоят партия кенгаши томонидан қуйи бўғинлар ишини тизимли ташкил этиш, уларнинг етакчилари фаолликларини оширишга алоҳида эътибор қаратилапти.

Бундан ташқари, 2019 йил, 22 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда ҳам вилоят партия ташкилотлари унинг раҳбарлигида ҳамжиҳат фаолият юритиб, ижобий натижаларга эришди. Тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори савияда ташкил этилиши ҳисобига 2 нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 14 нафар вилоят Кенгашига ва 104 нафар туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайланди.

Қолаверса, партия ташкилотлари қошидаги

Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган даврда 550 тага яқин мурожаат тушди. Уларнинг катта қисми коммунал хизмат, ўз ишини йўлга қўйиш, ишга жойлашиш, соғлигини тиклаш, ер ажратиш масалалари билан боғлиқ бўлмоқда. Шу пайтга қадар мурожаатларнинг 62 фоиз ижобий ҳал этилди. Қолганлари бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқда.

— Электротар ишончини оқлаш, дастурий вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қандай лойиҳалар амалга ошириляпти?

Партиямиз томонидан давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланган оилалар вакиллари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ўндан ортқ лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, "Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз!" лойиҳаси ҳамда "Ижтимоий кўмак – ташаббускорликка йўл очмоғи керак", "Аёллар ижтимоий ҳимояси – ижтимоий фаоллик пойдевори" форумлари доирасида 160 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ҳолидан хабар олиниб, 100 дан ортқ муаммолари аниқланди ва уларга тегишли ёрдам кўрсатилди.

Юқорида таъкидланганидек, партиямизнинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг

вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш иборат.

Олдимизга қўйилган ана шу масъулиятли вазифаларни бажара олсакгина халқимиз, партиямиз электротар ишончини оқлаймиз.

Халқ демократик партияси давлат ҳамда жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, юртимизда ҳар бир инсон ва оила учун фаровон турмуш яратиш бўйича ўзининг аниқ мақсадлари ҳамда ғояларига эга сиёсий кучдир.

ОЛИМ РАВШАНОВ БУГУН 3 НАФАР ФАРЗАНДНИНГ ОТАСИ БЎЛИШ БИЛАН БИРГА 2 НАФАР НАБИРАНИНГ СУЮКЛИ БОБОСИ ҲАМДИР. БУНДАН ТАШҚАРИ СУҲАТДОШИМИЗ "АХЛОҚ АДАБИЁТ САРҲАДЛАРИДА" "ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АДАБИЙ МАНБАЛАРИ" НОМИЛ КИТОБЛАР МУАЛЛИФИДИР. ХУЛОСА ҲАҚИДА ШУНИ АЙТИШ МУМКИНКИ, ПАРТИЯ БУ ИНСОННИНГ ҲАЁТИДА ШУНДАЙ ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРГАН.

**"Ўзбекистон овози" мухбири
Тоштемир Худойқулов
суҳбатлашди.**

РАД ЭТИШ, КЕЛИШУВ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Охирги 20 йил ичида умуман эътибордан четда қоляпти. Кўзи ожизлар жамиятида 2000 йилда 5000 одам ишлаган, ҳозир 1500 одам ишляпти. Карлар жамияти соҳасидаги корхоналарда 2000 одам ишлаган, ҳозир 176 одам ишляпти. Яъни, 10 бараварга камайиб кетган.

Мамлакатда қонунни қабул қилиш жараёнига фуқаролар фаол муносабат билдириб, бефарқ бўлмаётими, жамоатчилик уйғондими, бу ҳақиқий фуқаролик жамияти шаклланаётганининг муҳим белгиси аслида. Қонунни кўриб чиқиш ва қабул қилишда депутатлар, сенаторлар жим турмасдан, таклиф билдираётгани, ўрни келганда қарши овоз бериб, рад этаётгани, нотабийлик ва ўта силлиқлик йўқолаётгани, парламентда демократик характер уйғонаётганига реал ишорадир. Тортишувлар, маъқулламасликлар жим ўтириб, эснаб қўл кўтаришдан яхшироқ. Бошида озроқ қийин бўлади, лекин тортишган томонлар мулоқотга киришмайдиганлардан кўра бир-бирини яхшироқ тушунади. Парламент характери халқ характерининг кўзгусига айланади. Бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак, назаримизда.



амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу муносабат билан амалдаги қонунларда мавжуд нормаларни такроран белгилаш қанчалик тўғрилигини ўрганиб чиқиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади.

Шунингдек, қонуннинг 17-моддасида солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши, давлат кўчмас мулк объектларини қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли асосда ижарага бериш, соддаштирилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, бепул реклама қилиш учун эфир вақти, нашр ёки реклама майдони ажратиш, давлат буюртмачиларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ижтимоий товарларни реализация қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа имтиёз ва преференциялар берилиши, 18-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий лойиҳаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилмайдиган асосда субсидиялашни амалга ошириши белгиланган.

Ушбу имтиёз ва преференцияларни белгилловчи нормалар товар ва молия бозорларидаги рақобат муҳитига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур нормаларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини сенатор алоҳида таъкидлади.

Қонун аҳолининг ижтимоий эътиёжманд қатламларини иш ўринлари, ижтимоий товар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ижтимоий товарларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишни назарда тутганлигини инобатга олиб, уни чуқурроқ қайта таҳлил қилиш, илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш лозим, деб топилди.

АДЛИЯ ВАЗИРИ СЕНАТОРЛАРГА ҚАТЪИЙ ҚАРШИ ЧИҚДИ

Адлия вазирига кўра, қонун аҳолининг барча ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қамраб олган. 6-моддада эътиёжманд аҳолининг айримлари «шу жумладан», деб санаб кетилган ва бу рўйхатни кўрсатилган пунктлар бўйича чекламайди. Бу («Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эътиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги ва «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги) қонунларнинг мақсади бошқа. Агар шу асосда бу қонун қайтса ҳам биз буни тўғри-

лай олмаймиз. Кексалар бўйича ижтимоий хизматни ёзадиган категория билан ижтимоий тадбиркорликдаги категория ҳар хил. Шунинг учун, «тўғрида бер, деса ҳам тўғрилай олмаймиз, деган Сенат йиғилишида Адлия вазири.

Имтиёз ва преференциялар ҳамда уларнинг рақобат муҳитига таъсири ҳақидаги аргументларга изоҳ бера туриб, Русланбек Давлетов улар алоҳида компанияларга эмас, балки соҳага берилишини қайд этди. Бу каби норма аллақачон Солиқ кодексига акс этганини қайд этди.

Биз қанақадир алоҳида корхонага деб айтаётганимиз йўқ, соҳага берамиз. Яъни, ногиронларни ижтимоий соҳада қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан энг асосий, шу қонуннинг юрагидаги нормаси бу. Агар давлат имтиёз бермайдиган бўлса, бу қонун ҳам керак эмас, дея таъкидлаган Адлия вазирига раҳбари.

Вазир, шунингдек, ушбу қонун ногиронлар жамияти кутаётган қонунлардан бири эканлигини алоҳида қайд этган:

– Кўзи ожизлар жамиятида, карлар жамиятида корхоналар бўлган. Шуни бир таҳлил қиладиган бўлсак, охириги 20 йил ичида умуман эътибордан четда қоляпти. Кўзи ожизлар жамиятида 2000 йилда 5000 одам ишлаган, ҳозир 1500 одам ишляпти. Карлар жамияти соҳасидаги корхоналарда 2000 одам ишлаган, ҳозир 176 одам ишляпти. Яъни, 10 бараварга камайиб кетган.

МУРОЖААТ: НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАР НИМАДАН ХОВОТИРДА?

Ногиронлар, Карлар ва Кўзи ожизлар жамиятлари сенаторлар рад этган «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни маъқуллаш-

ни сўраб, Сенатга мурожаат қилди. Унда имконияти чекланган шахслар ушбу қонунни бир неча йилдан бери кутаётгани, аслида «бошидан ўтказган» инсонгина ҳолат қандайлигини билиши таъкидланган. Жумладан, сўнгги 3 йилда Карлар жамияти корхоналарининг даромади 5 бараварга-ча тушиб кетгани айтилган.

Даромад камайганлиги ойлик иш ҳақларининг тушиб кетишига олиб келган. Бу эса ходимларнинг ишдан кетишига сабаб бўлган.

«Бир нарсаси алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Биз умумий ишлаб чиқаришдаги технологияларга мослаша олмаймиз, аксинча, биз ўзимизга мослаштирилган технологиялар асосида ишлай оламиз. Шунинг учун бизнинг ходимлар корхоналардан кетганидан кейин бошқа жойларда ишлашга қодир эмас.

Айнан шу қонун бизга ишлаб чиқаришимизни кенгайтиришга, биз каби имконияти чекланганлар учун мослаштирилган технологияларни олиб келишга, ишчи ўринларини кўпайтиришга, уларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ва муносиб маош тўлаш учун имкон беради, деб умид қилгандик.

Агар сенаторлар томонидан билдирилган фикрлар етарли асосланган ва ҳақиқатдаги ҳолатга яқин бўлганида эди, бизнинг корхоналаримиз гуллаб кетган бўлиши керак эди», дейилади мурожаатда.

КЕЙИН НИМА БЎЛДИ?

Мурожаатнома юзасидан Сенат аъзолари томонидан жойига бориб суҳбат ўтказган. Сенат ахборот хизматининг хабар беришича, учрашувда Сенат аъзолари О.Иминов ва Э.Гадоев мурожаатчиларга қонун ногиронлиги бўлган шахсларга тўғридан-тўғри имтиёз ва преференциялар беришни назарда тутмаслиги тушунтирилган.

Шу билан бирга, сенаторлар «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонундаги нормалар жамиятларнинг раислари сўраётган мақсадларга хизмат қилмаслиги, ногиронлиги бўлган шахсларга ўз фаолиятларини амалга ошириш учун имтиёзлар ҳозир ҳам Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида ўз аксини топганлиги, келгусида тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ягона Кодексда назарда тутилишини таъкидлашган.

Суҳбат якунида қонунни қайта ишлаш жараёнида жамиятлар вакиллари ҳам фаол иштирок этиши мумкинлиги, доимий ҳамкорлик қилиниши ҳақида келишиб олинган.

Бўлиб ўтган воқеалар ва томонларнинг фикри, муносабати шундай. Қонунчиликка кўра, Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Рад этилган қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузилиши мумкин.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ишнинг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Ташаббускор битта, маъқулламаганлар эса кўп, кутаётганлар эса сон мингта. Кутамиз ва кузатамиз.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

МЕҲНАТ ВА ВАТАНГА САДОҚАТ БИЛАН ЁЗИЛГАН ТАРИХ

Халқ демократик партияси тузилганидан бошлаб унинг сафида фаолият олиб борганман. Партиянинг ташкил этилиши жараёнидан тортиб, мустақил Ўзбекистондаги қонун ижодкорлиги жараёни иштирокчиси бўлганимдан фахрланаман.

Партиянинг биринчи съездида қатнашганман. Партияга ном берилишида хилма-хил фикрлар, қарашлар бўлган. Муносиб фикрга келиш осон бўлмаган. Яқдиллик билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси номи берилиши қарори маъқулланган.

Ўша даврдаги зиёли қатлам бизнинг партиямиз аъзосига айланган. Халқ демократик партиясининг асосий муваффақияти ҳам шунда бўлган. Партиямизни энг кучли, энг зиёли партия, деб биламан. Давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун ҳам қарашлар турли томонларга тортиб кетиши мумкин бўлган даврда партия сафида куч, иштиёқ, шиддат билан ишлаш керак бўлган.

Партиямиз яқинда Президентлик сайловида ҳам муносиб иштирок этди. Аёл номзоднинг кўрсатилиши, иккинчи ўринни эгаллагани ҳам, албатта, фахрланарли. Партия ташкил этилганининг дастлабки даврларида ишлашнинг мушкул жиҳати – у пайда на

бир қонун, на бир ҳуқуқий ҳужжат бўлган. Бизда ишлаб чиқариш бўлмаган. Оддий аравачалар, ўйинчоқлардан тортиб, кийим-кечакларгача четдан олиб келинарди. Биз фақат пахта етиштирардик. Буларнинг барчасини йўлга қўйиш, изга солиш учун аввало қонун, ҳужжат керак бўлган албатта. Оммавий ахборот воситалари, банклар фаолияти тўғрисидаги, иқтисодиётга оид қонунлар ишлаб чиқилишида, қабул қилинишида иштирок этганмиз. Қонун лойиҳаларини ишлашда чет давлатлар қонунчилигини ўрганиб чиқардик. Дам олиш, байрам кунлари демасдан, суткада 20 соатлаб ишлаганмиз. Биргина Оила кодекси 2 ярим йилда ишлаб чиқилган. 30 га яқин давлатлар қонунчилиги ўрганилган. Ва ундан ўзимизга хос бўлган, миллилатимизга, менталитетимизга мос келадиган жиҳатларни олганмиз. Ҳамиша халқ билан бирга бўладиган партия сафида фаолият юритганимдан мамнунман.

Бўритош ШОДИЕВА,
1-даражали меҳнат фахрийси, "Меҳнат шўхрати" ордени, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби.

Маълумки, шу йилнинг 21 октябры кун Олий Мажлис Сенатининг 20 ялли мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонунлар кўриб чиқилди. Шулардан бири "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонундир. Сенаторлар ушбу қонунни қайта кўриб чиқиш маъсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо қонун муҳокамаси вақтида Адлия вазири Русланбек Давлетов сенаторлар билан ўзаро баҳс-мунозарога киришди. Ногиронлар, Карлар ва Кўзи ожизлар жамиятлари сенаторлар рад этган «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни маъқуллашни сўраб, Сенатга мурожаат қилди.

Хўш, бунга нима сабаб бўлди? Адлия вазирининг сенаторлар билан тортишуви, сенаторларнинг қонунни қабул қилишга қарши билдирган ҳар бир аргументини рад этиши, ногиронлар жамиятларининг Сенатга мурожаатидан англаш мумкинки, ушбу қонун жуда муҳим.

ДАСТЛАБ ҚОНУН ҲАҚИДА...

"Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида шу йилнинг январь ойида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун иш ўринларини яратиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсулот ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар белгиланган.

Лойиҳани ишлаб чиқишда амалдаги қонунчиликда белгиланган ўз ресурсларини ижтимоий соҳага йўналтирган корхоналарни аниқлаш мезонлари, ижтимоий соҳага инвестиция жалб қилганлик учун тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар ҳисобга олинган. Шунингдек, ижтимоий корхонани аниқлаш мезонларининг ва ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари ифодаланган. Қонун лойиҳасида асосий қоидалар билан бирга, ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, аҳолининг эътиёжманд тоифаларига мансуб шахслар белгилаб қўйилмоқда. Ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида эса Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги назарда тутиляпти.

Шу билан бирга, лойиҳада белгиланаётган тегишли мезонлардан бирига ёки бир нечасига мос келганда, тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотлар ижтимоий корхоналарнинг реестрига кириши тартиби жорий қилинмоқда.

Қонун лойиҳаси тўлдиришлардан сўнг, 2021 йил август ойида парламент қуй палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга муҳокама учун юборилган эди.

НИМА САБАБДАН РАД ЭТИЛДИ?

Сенаторлар томонидан қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор нормалар мавжудлиги, хусусан, унда назарда тутилаётган аҳолининг ижтимоий эътиёжманд қатламлари амалдаги бошқа қонунларда белгиланган аҳолининг ижтимоий эътиёжманд тоифаларига номувофиқлиги қайд этилди.

– "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан маҳаллий Кенгашининг доимий комиссиялари ва экспертлари иштирокида кўриб чиқилди. Қонун 22 моддадан иборат. Айтиш кераки, унда бир қатор қайта кўриб чиқиш лозим бўлган нормалар мавжуд. Хусусан, 6-моддада аҳолининг

қуйидаги ижтимоий эътиёжманд қатламлари санаб ўтилган. Лекин "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эътиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида ҳам аҳолининг ижтимоий эътиёжманд тоифалари белгиланган. Шунингдек "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддасида белгиланган аҳолининг ижтимоий эътиёжманд тоифаларининг айримлари "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилмаган, – дейди сенатор, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси Эркин Гадов. – Жумладан, Қонунда ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она, шунингдек, кўп болали оилалар ота-оналари, Мудофиа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар, пенсияолди ёшидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига қисбатан тиббий йўсинда мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар ўз аксини топмаган. Мазкур ҳолатлар келгусида амалиётда турли хил муаммо ва номувофиқликлар вужудга келтириши мумкин. Шунингдек, бир хил нормаларнинг бир хил юридик кучга эга ҳуқуқий ҳужжатлар такрорланшига олиб келади. Шу сабабли қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

Сенатор Эркин Гадов, шунингдек, қонуннинг 12-моддасида тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши уларнинг солиқ ҳисоботларини ўрганиш орқали солиқ органлари томонидан аниқланиши, 17-моддасида олинган фойданинг камида учдан икки қисми ушбу қисмда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилганлиги ижтимоий корхонанинг солиқ ҳисоботларига асосан аниқланиши назарда тутилаётганини таъкидлади. Бирок, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан солиқ ва бошқа ҳисоботининг шакллари тасдиқланган бўлиб, ушбу шакллар орқали тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши ҳамда олинган фойданинг камида учдан икки қисми белгиланган мақсадлар учун йўналтирилганлигини аниқлашнинг имкони мавжуд эмаслигини қайд этди. Бу эса келгусида амалиётда солиқ органлари томонидан ҳисоботларни қабул қилиш, ижтимоий корхоналар реестрига киритиш ёки реестрдан чиқаришда турли хил муаммолар ҳамда номувофиқликларни келтириб чиқаришини инобатга олиб, мазкур нормаларни қайта кўриб чиқиш таклифини берди.

Сенаторнинг айтишича, Қонуннинг 15-моддасида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар иш ҳақи миқдорини қонунчиликка кўра меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, иш берувчи сифатида ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳаларда қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш ижтимоий корхоналар мажбуриятлари сифатида келтирилган. Худди шу нормалар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида, қолаверса, Меҳнат кодекси ва бошқа

Нима демоқчи бўлаётганимни дангал айтай – ажримлар, етим тақдирлар, қуриган ёстиқлар ҳақида сўзламоқчиман.



АЖРАЛИШ КҲЙИНИ ЧАЛМАНГ – АРШ ТИТРАЙДИ...

Баъзида, эҳтимол жуда камдан-кам ҳолларда оддий бир инсон ҳам қўлига қалам олиб, шарҳи дил қилгиси, кўнглида йиғилиб қолган ўйларини ўртоқлашгиси келади. Ич-ичингдан ёзганларингни кимдир ўқишини истайсан. Кўпинча, айнан дилингни оғритган одамлар, сени таъсирлантирган, қалбингни жароҳатлаган одамларга қарата сўзлагинг келади.

Негаки, сўзлашганда керакли фикрларни айтишга тараддудланиб, вазиятни мулоҳаза қилгунингча воқелик анча олдинга кетиб қолади... Хуллас, демоқчиманки, мақола ёзиб юриш одатим йўқ. Аммо, ҳозир...

Нима демоқчи бўлаётганимни дангал айтай – ажримлар, етим тақдирлар, қуриган ёстиқлар ҳақида сўзламоқчиман. Бу шарафсиз ишларнинг аксарияти кўз ўнгимда, кундалик ҳаётимда содир бўлаётгани учунми, гоҳида: "Нима қилаяпсан, эй одам-зод?", дея ҳайқиргим келади.

Дунёнинг ишлари ажаб-да – ўтган кун идорамизга истаралигина жувон ёнида кўркам бир йигит билан кириб келди. Қанийди, уларни кўрмасам, эшитмасам, умуман, бу масала уларнинг ўртасида бўлмаса... Масала – ажрим. Эр-хотин никоҳ бекор қилинган тўғрисидаги гувоҳномани олиб кетиш учун келган.

Биламан, ташқарида кимдир бор. Ўша кимса бу ажримнинг сабабчиси, ижодкори. Ташқарига чиқиб, ўша инсоннинг башарасига аччиқ-аччиқ гапларини айтиб олсам, узиб-узиб гапирсам дейман. Аммо гуллардан андиша қиламан, ташқарига чиқиш

учун хонамизнинг ўртасидаги йиғлаб-йиғлаб зериккан аёлдек бош эгиб турган гулларимдан иймана-ман. Улар ташқарига чиқишимга йўл бермаётгандек туюлади. Балки, бу ўзимни ўзим тинчлантиришим учун топган бир баҳонамдир. Умуман, гап бунда эмас-ку ҳозир...

Хаёлларимни тартибга келтириб, яна хонамга қайтаман. Йигит ва жувон – улар ҳозирча, ҳозирча эр-хотин. Аслида шундайлигини тасдиқлайдиган ҳужжат менинг қўлимда йўқликка сингиб кетади ҳозир. Хизмат тақозоси билан бир оиланинг барбод бўлганини ўз қўлларим билан семиз хатжилдга қайд этишим керак.

Аммо ташқаридаги кимдир – у ҳадик ва хавотир билан деразадан мўралаётгандир, шу қисқа вақтда икки ёш яна тил топишиб олишидан чўчибми, кўрқибми, титроқда тургандир.

"Эй, сен – ташқаридаги одам, мана, ниятингга ҳам етдинг, улар энди бир оила эмас", дейман ҳужжатларга имзо чекишаркан титраб-қақшаб, асабийлашаётганимни сездирмаслик учун...

Қизиқ, айнан ҳозир, таассуротимни қозоғга тушириш асносида ўйланиб қолдим. Бояги аёлни ким деб ёзаман энди? Жувонми, бевами, эрсиз аёлми, боши очик аёлми...

Энди унга ҳамма сифат ярашади. Энди унга ҳеч бир сифат ярашмайди.

У ўз тақдирига битилган энг қимматбаҳо бойлигидан мосиво бўлди. Аамлар тўлган кўзлариде кулгичлар ўйнайди, изтироб ва тўғён оғриқли

кулгиларга айланди. Кулиб туриб йиғлаган инсонни кўрганмисиз? Мен кўп кўраман. Бу дунё паст кетганда, аёл зоти шундай қилади...


Холбуки, унинг қалби айни шу дамларда титроққа тушиб: "Қайт, эй ҳожам, қалбим, ҳаётим, ўй-хаёлларим, тақдирим қўлларингда, мени, болангни хору зор ташлаб кетма, ёлвораман", дея чўғдек ёниб турган бўлади. Бу лаҳзаларда унга яқинлашиб бўлмайди – нақ кўясиз. Шунчаки, ачинаш оҳангига қарашдан тийилиш керак, кўзларни олиб қочган маъқул. Акс ҳолда кечирмайди, қалбининг түб-тубидан оғринади...

Одамлар, кўрпачисми? Оҳангарон қўчалари бўйлаб аёл шаклидаги бир йиғи кетиб борапти. У ҳозиргина порлаб турган чўлпон кўзларидеги нурни йўқотди. У энди бу дунёнинг жирканч ва пана-пастқам кўчалари томон кетиб борапти. У хато йўлга тушиб қолганини, бу илонизи йўлларда минг, миллион йил кезса ҳам йўқотганини тополмаслигини тушунаришаркан?... Мен буни биламан, сезаман, аммо буни ўзига айтишга журъатим етмайди.

Бу ҳақиқатни яна бир киши билади. Аслида, аввал бошиданоқ билган. У одам ташқарида турибди. Ҳозиргина расман бир-бирига бегона бўлган икки ёш инсоннинг бири ўша билан кетади. Ташқаридаги одам шунини кўтиб турибди.

У хурсанд. Ҳозирча хурсанд...

Севара ДЕҲҚОНОВА,
ФХДЁ бўлими ходими.



ИККИ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ФАН ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБИ ҲИНДИСТОН МАТЕМАТИКЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИДА



Тўрахўжаева
Азизахон
Нодир қизи

Тошкент давлат техника университети Механика факультети талабаси Тўрахўжаева Азизахон Нодир қизи 2019 йилдан буён Ҳиндистон математиклар гуруҳига ўқитувчи-администратор сифатида ҳамраҳбарлик қилиб келади. 2018 йили оддий тингловчи сифатида математика сирларини чуқурроқ ўрганиш учун қўшилган бу талаба ўз билими ва тиришқоқлиги билан тез орада гуруҳ администраторларининг эътиборига тушди.

Ўзининг математик ечимлари ва қўйган масалалари билан гуруҳ аъзоларининг хўрматиға сазовор бўлган Азизахон бир йил ичида бошқарувчи администратор мақомига эришди. Ушбу гуруҳга Telegram (t.me/Mathsholics_clique) орқали кириш мумкин. Бу гуруҳда ёш ва ўрта ёшдаги математика билимдонларининг сони 120 минг экани ва 40 нафар бошқарувчи-администраторнинг барчаси Ҳиндистонлик профессор-ўқитувчилардан ташкил топганини эътиборга олсак, ёш ўзбек талабасига билдирилган бу ишонч қанчалик аҳамиятга эгаллигини кўришимиз мумкин. У гуруҳда масала ва мисолларнинг ечимини таҳлил қилади, ўз маслаҳатлари билан ўртоқлашади, шу орқали билимларини ҳам мунтазам ошириб боради.

Азизахоннинг аниқ фанларга бўлган қизиқиши ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2019-2020 ўқув йилида "Назарий механика" фанидан олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган фан олимпиадасининг Республика босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус дипломиға сазовор бўлди. 2020-2021 ўқув йилида эса "Материаллар қаршилиги" фанидан олимпиаданинг Республика босқичида қатнашиб биринчилиқни қўлга киритди. Бу иккала фаннинг мураккаблиги ҳақида талабалар орасида қўллаб мақол ва ҳикоялар мавжуд, жумладан "Назарий механикани топирибсан – талаба бўлибсан!", "Материаллар қаршилиги фанини топирибсан – таълим даргоҳини битирибсан!". Ҳар иккала фан бўйича республикада биринчи бўлиш Азизахоннинг ва таълим берган устозларининг катта ютуғидир.

Бугунги кунда у алюминий-литий қотишмаларининг механик хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда ва Ўзбекистон-Хитой халқаро илмий лойиҳасида бажарувчи ходим сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг 14 та илмий мақолалари чоп этилган бўлиб, шулардан 5 таси яқка муаллифликдаги илмий мақолалардир. Ўрни келганда яна шунини айтиш ўринлики, Азизахон ажойиб шеърлар ва ҳикоялар ҳам ёзиб, матбуотда эълон қилиб боради.

Шухрат ИСЛОМОВ.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

БУХОРОДА КОММУНАЛ ТАРМОҚ РИВОЖЛАНМОҚДА

Қиш фаслини беталафот ўтказиш бугун қанчалик пухта тайёргарлик кўрилганига боғлиқдир. "Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш" Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси томонидан куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, бугунги кунда вилоятда 4 та бошқарув сервис компанияси ва 96 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан 1963 тадан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Очиғини айтиш лозимки, қиш фаслида охириги қаватдаги хонадонлар эгаси томондан чакка ўтишидан азият чекса, пастки қаватдагилар заҳ ва ертўладан анқийдиган бадбўй ҳиддан нолишса, бошқалар эса иссиқ ва совуқ сув тармоқларидаги носозлиқлар, иситиш тизимидаги камчиликлардан азият чекаётганидан шикоят қилишарди, – дейди **"Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш" Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси инспектори Ш.Сайфуллаев.** – Бу каби муаммоли ҳолатларни олдини олиш мақсадида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бугун барча ишлар шу асосда олиб бориляпти. Бу жараёнда, аввало, ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Энг асосийси, аҳолидан тушган мурожаатларга биноан, вилоятда мавжуд 860 тага яқин уй-жой фонди ҳолати тўлиқ ўрганилди.

Унинг натижаларига кўра, далолатномалар, чора-тадбирлар, манзилли дастурлар ҳамда тармоқ жадваллари тузилди. Бундан кўзланган мақсад кўп қаватли уй-жой фондини мавсумга барқарор тайёрлаш, таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, ширкатлар фаолиятини жонлантиришдир.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 7 октябрида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан вилоятда штаб ташкил этилди. Штаб таркибида мутасадди қорхона, идора ва ҳўжалик бирлашмалари масъул ходимларини жамлаган мазкур штаб куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини барча йўналиш бўйича белгиланган муддатда сифатли бажарилиши устидан доимий назорат олиб боради.

Шунингдек, вилоятда жорий йилнинг 10 октябрь ҳолатига кўра, кўп қаватли уй-жойларнинг 9,6 минг квадрат метрдан ортиқ

том қисми мукаммал ва жорий, шунингдек, 116 та кўп қаватли уй-жойнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, 89 та кўп қаватли уй-жойнинг фасад қисми таъмирланди. Бундан ташқари, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда 78 та болалар майдончаси барпо этилди. Яна 35 та шундай майдонча таъмирланиб, 25,3 минг квадрат метр йўлақлар (тротуар) бетон қоришмаси билан қопланди, кўп қаватли уйларнинг 264 та ташқи ёритиш ускуналари таъмирланди. Бу каби юмушларнинг ўз вақтида адо этилишида тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига 1,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани айни мuddао бўлди.

Мавсумга тайёргарлик асносида вилоят бўйича ўрганилган 221 та кўп қаватли уй-жойларда аниқланган 563 та ноқонуний барпо этилган объект секторлар кўмағида бузиляпти. Шу пайтга қадар ҳудуд қиёфасига салбий таъсир кўрсатаётган, хавфсизлик талабларига мутлақо мос келмайдиган қурилмаларнинг 88 фоизи олиб ташланган бўлса, қолган қисмини мажбурий тартибда буздиришга оид даъво аризалари, Бухоро вилоят ЖИБ судларига жами 110 та фуқарога нисбатан ҳужжатлар тақдим этилиб ушбу фуқароларга жами 50 685 000 сўмлик жарима жазоси ҳам тайинланган.

– Ушбу мавсумга тайёргарлик кўриш доирасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда, – дейди

"Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш" Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси инспектори Д.Ибодов – Лекин уларнинг самараси, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши кўп жиҳатдан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг реал аҳволи, моддий-техника базасининг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Биринчи навбатда, мазкур ширкатларнинг аҳволини ўнглаш мақсадида, алоҳида молиявий ва иқтисодий соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилиняпти. Бунинг натижалари жорий мавсумда, албатта, кўзга ташланади.

Шундай бўлса-да, ҳар мавсумда аҳолининг катта қисми иситиш тизими кўнгилдагидек ишламаслигидан шикоят қилади. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари учун ҳам бегона эмас. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга жиддий киришилди. Яъни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларидаги мавжуд қозонхона ҳўжалиги техник талабларга мослиги тўлиқ ўрганиб чиқилди. Бу борада вилоятда "Иссиқлик Манбаи" ДУК томонидан Бухоро (462) ва Когон (55) шахридаги жами 517 та кўп қаватли уйлар, 24 та мактаб, 26 та МТМ ва 110 та бошқа турдаги истеъмолчиларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаб келмоқда.

Шунингдек, Бухоро шахрида 29 та ва Когон шахрида 5 та, жами

34 та ишлаб турган қозонхона мавжуд бўлиб, улардаги қозонлар сони 133 тани ташкил этади. Барча қозонхоналарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда. Қорхона балансида 112,6 км (шундан Бухоро шахрида 97,0 км) узунликдаги турли диаметрдаги иссиқлик тармоқлари мавжуд бўлиб, аксарият қувурлар эскирган.

2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида 9 та турли маркали қозонларни мукаммал таъмирлаш белгиланган бўлиб, ҳозирда 8 та турли маркали қозонлар (89 фойз) мукаммал таъмирланди. 13,7 км узунликдаги иссиқлик тармоқларни мукаммал таъмирлаш белгиланган бўлиб, ҳозирда 12,9 км узунликдаги қувурлар алмаштирилди. Ҳозирда 800 метр узунликдаги иссиқлик қувурлар харид қилинган ва уларни зарур ҳудудларга ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, мавжуд қозонхоналарни жорий таъмирлаш ишлари ҳам якунига етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда бу йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал тус олган. Уларнинг қанчалик сифатли, пишиқ-пухта бажарилганлигини эса вақт кўрсатади.

Тоштемир Худойқулов,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Бугунги ёшлар анча реалист. Нима қадр топадиган бўлса, шу томонга қараб кетяпти.

МОДДИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МУВОЗАНАТИ

Ғарб адабиётида ҳам, Шарқ адабиётида ҳам рамзий асарларга талаб юқори бўлавермаган. Ҳозир ҳам шундай. Бундай китобларнинг ўз ўқувчилари бор. Анча йиллар аввал нашр этилган “Мувозанат” романининг қайта нашрини ўзбек китобхонлари анча куттишди. Биринчи нашриданок бу асар машҳур бўлганди. Муаллифи адабиётшунос, танқидчи ва таржимон Улуғбек Ҳамдам. У билан бугунги суҳбатда адибнинг ички дунёсини, ўз асарларида ҳам яшириб келган юрак сирларини очишга ҳаракат қилдик.

— “Мувозанат” муталаа майдонига узоқ танаффусдан кейин қайтди. Қайта нашри жуда чўзилиб кетди, нима учун курашиб, нашрни тезлаштирмадингиз?

— Биринчи нашр ҳам осон бўлмаган. Ноширлар рад этишган. Журналларда чоп этилмай ётган. Ўз ҳисобимдан 300 та китобни чоп эттириб кейин “Бўлди, китоб ёзиш шу ерда тугади” деганман. Яшайдиган асар экан, мана, яна муталаа майдонига қайтди. Лекин, биринчи нашрида “Мувозанат”ни 80 бетини қисқартиришга мажбур бўлганман. Яъни, силлиқлаб, кейин чоп эттирганман.

— Асар адибга ўз фарзандидек азиз бўлиб қолади. Қандай қилиб 8 бет эмас 80 бетини қисқартириб ташлагансиз, юрагингиз ачимангизми?

— Наилуж, мен ўз асарим дунё юзини кўришини, китобхонларга фойдаси тегишини истеганман. Шунинг учун қисқартиришга тўғри келган. Лекин, у қисқартмалар йўқ бўлиб кетмаган. Кейинги асарларга сингиб кетган. Аслида бу қисқартириш асарни мазмунига умуман таъсир қилмаган. Ҳатто Мичиган университети профессори Ричал хоним “Биз ёзувчи бу романи учун аллақачон қамалиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эдик, лекин унга муқофот берилди” деган эди. Чунки, асарнинг ҳамма игналари, найзаларини силлиқлаб, кесиб бўлмайдида. Чунки, бу бутун бошли халқимизнинг ўтиш давридаги ҳаёти. Ўтиш даври осон бўлгани йўқ. Шу маънода асар қандай бўлса, шундай юзага келди ва албатта, устозимиз Озод Шарафуддиновнинг жасоратлари билан дунё юзини кўрди.

— Мувозанатни ёзишда ўзингиз ҳам мувозанатни ушлаганмисиз? Роман мустақиллигининг дастлабки йилларида ёзилганлигини ҳисобга олсак ҳар ҳолда бундай кескин асарларни нашр

этиш анча қийин эди.

— Нима деб ўйлайсиз, асар нега “Мувозанат” деб аталди? Аслида романнинг дастлабки номи “Хаус” эди. Чунки, жамиятда хаус бошланганди. Ҳамма нарса изидан чиққан эди.

— Яхши ном экан...

— Яхши ном. Лекин ёзувчи нимани орзу қияпти? Ёзувчи мувозанатни орзу қияпти, космосни орзу қияпти. Хаус бу космосни тескариси. Хаус тартибсизлик дегани, космос эса уйғунлик. Мувозанат эса космосни қайсидир маънода ифодалайди. Мустақиллиқни кимлар орзу қилди? Қодирийлар, Чўлпонлар, Бехбудийлар боши кетди, улар отилди. Ана ўшалар орзу қилган. Ботинда исталган ниятга, муродга етилган эди. Тинчликка, мустақилликка эришдик. Юрт мустақил бўлган эди, қонлар тўқилмаган эди. Лекин ташқаридан қараганда. Буларнинг барини “Мувозанат” қаҳрамонлари ҳаётида кўрса бўлади. Масалан, биргина ўша Юсуфни қисмати. Оиласи парчаланиб кетди, фарзандларидан айрилди, ишидан айрилди, мувозанатни йўқотди. Хуллас, ҳаёти изидан чиқиб кетди. Талатўпларнинг ичида дўстига хиёнат қилди. Кўпчилик хиёнат қилмаслиги керак эди, дейди. Мен ҳам қанчалар истаيمان хиёнат қилмаслигини, лекин ёзувчи ўзи бошқаролмайдиган мантик бор. Бу мантик шундан иборатки, ҳаёт изидан чиққанда, ҳам жамиятда, ҳам инсоннинг ички дунёси мувозанатдан чиққанда мана шундай номақбул қадмалар ташланади. Энг муҳими, тавба қилишга уриниш, ана шу йўлдан қайтишга уриниш.

— Сиз “жамиятнинг тўрига китоб ўқийдиган зиёлиларни, маърифатлиларни, ҳақиқий ўқимшли инсонларни чиқарсак, ёшлар ана ўшалардан ўрнак олади”, деган фикрни кўп гапирасиз. Бугунги ёшлар тез фурсатда бойиб кетиш сирларини излаш

билан овора, назаримда. Китоб дўконларида ҳам асосан шундай мавзудаги китоблар харидорғир. Стив Жобс, Илон Маск, Жеф Безоснинг китоблари қўлма-қўл ўқилади. Бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, ёшларнинг келажакини қандай кўрасиз?

— “Мувозанат”нинг бош қаҳрамони Юсуф ҳам илмли инсонларнинг обрўси учун узоқ курашади. Бирор-бир соҳада, масалан, наشريёт ёки бизнес соҳасида ўз-ўзидан ғоя берадиган, яхши фикрлар уйғотадиган, жамият ривожига туртки бўладиган одамни жамиятнинг тепасига чиқариш керак. Бунинг учун эса шунга хизмат қиладиган тизим яратиш керак. Стив Жобс, Илон Маскни эсласангиз, булар нимаси билан азиз бўлди? Ғоялари билан эмасми? Тасаввур қилинг, уларда кичик бир давлатнинг бюджетидан кўра каттароқ маблағи бор, бир шахснинг ўзида! Жамият яхши, фойдали ғоя эгаларига йўл очяптими? Ҳа, шундай. Нима учун ёшларимиз уларга эргашяпти? Чунки уларга Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Толстой ёки Шекспирдан гапирадиган бўлсак, унчалик қизиқмайди. Ўша гапни Илон Маск ёки Билл Гейтс айтганини эшитишса, дарров олиб ўқишади. Боиси, бу шахслар жамиятда обрў топти, ёшларнинг кўз ўнгига содир бўлди барчаси. Бугунги ёшлар анча реалист. Нима қадр топадиган бўлса, шу томонга қараб кетяпти. Мениям бир ўғил, бир қизим бор. Уларга ҳам “бу йўлни танласангиз”, десам, “дада, нима деяпсиз?”, дейди қулиб. Чунки, бу соҳада қадр топмаслигини улар билишади. Биз эса романтиклармиз. Ўшлигимизда биз ҳам ўзимизни турли соҳаларда синаб кўрдик, моддий аҳволимизни яхшилаб олдиқда, “лип” этиб яна жойимизга қайтдик. Ёшларнинг нигоҳида гўё ҳеч нарсаси йўқ одамдек юрибмиз. Лекин бу уларни назарида. Ўзини тиклаб олган жамият бу йўналишларни ҳам тиклаб олади. Шунинг учун моддият ва маънавиятнинг мувозанатини ушлаб туриш керак, деб ҳисоблайман. Қушни ҳам икки қаноти бор, битта қаноти билан учган қушни кўрганмисиз? Инсонни ҳаёти ҳам шу. Фақатгина маънавият бўлса, натижа бўлмайди. Маънавиятни ҳаётга тадбиқ қилиш учун моддият керак. Ана шуну мувозанат дейди.

— Фикрларингизни эшитиб, шундай хулосага келдимки.

Бирор мавзу ҳақида ёзмоқчи бўлсангиз, жуда узоқ ўйлаб юрмайсиз. Биргина турткининг ўзи етарли, шундайми?

— Биласизми, ижодкор асаларига ўхшаб фикрларни териб юради, ботинда сақлаб юраверади. Кейин, сиз айтгандек, битта туртки бўладида, вулқондак отилиб чиқади. Жалолиддин Румийнинг уммони Шамс Табризий келгунича тинч эди. Табризий ўша уммонни оғзини очиб юборди, туртки берди. Ижодкорлар ҳам шундай битта турткини кутиб яшайди. Ҳаётнинг ичида ҳамма нарсаси. Ҳаётдан ўрганамиз. Турткини ҳам ҳаётнинг ўзидан оламиш.

— Юртини ташлаб кетишга мажбур бўлаётган чорасиз инсонларнинг аччиқ қисмати ҳақида асар бошлаганингизни биламан. Қачон бу асар қўлимизга етиб келади?

— Бу роман, назаримда, “Мувозанат”нинг руҳиятига ўхшаб асар бўлади. Лекин битиришим учун бироз вақт керак. Охириги нуқтани қўйишим учун ўша дунёга кирмасам бўлмайди, ҳамма ишлардан узилиб, ўзимни ижодга бутунлай бағишламасам бўлмайди. Мувозанатни ёзган пайтларимда пул топишим керак эди. Ҳозир эса ишга эҳтиёжим йўқ. Лекин, айна пайтда мени иккита нарса ушлаб туради. Биринчиси — ортимдан келаётган шоғирдларим. Иккинчиси — ижодкор жамиятдан бутунлай узилиб қолмаслиги керак. Шу икки нарса сабаб ижода бутунлай қайта олмайман.

— Мана шу сабаблар сизни келажакда ёзилиши керак бўлган яхши асарларингизни қурбон қилишингизга арзийдими?

— Яхши шоғирдлар чиқадиغان бўлса, арзийди.

— Яхши шоғирдлар Улуғбек Ҳамдам бўла олмасачи?

— Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл, дейдику. Биз яхши умид қиламиз, биз етолмаган жойларга улар етади, биз парвоз қилолмаган жойларни улар забт этади. Баъзилар айтади, Толстойдан, Достоевскийдан, Шекспирдан кейин бундай даҳолар чиқмайди, деб. Мен учун эса Яратганининг марҳамати тугаб қолмайди. Ҳозир ҳам уларнинг панжасига панжа урадиган ёшлар бор. Лекин тақдир, деган нарса ҳам борда. Улар қандай муҳитга тушади. Даҳо бўлиб туғилган инсонлар истеъдодларини юзага чиқара олмай ўтиб кетади. Чунки эшик-



лар очилмаган. Табризийларни учратмаган. Табризийлар йўқ! Румийларни йўлини очадиган Табризийлар йўқ.

— Ёзган асарларингиз сизни сирли оламнингизни кашф эта олдимиз? Ёки ундай асар ҳали ёзилмадими?

— Сиз “Мувозанат”ни катта асар, деяпсиз. Мен эса “Ёлғизлик”ни айтган бўлардим. Мен ана шу асаринда ўз ички дунёимни очиб бера олганман. Юрагимни сирларини очганман. “Ёлғизлик” мен учун бошқача қадри. Қолган ҳамма романларим “Ёлғизлик”нинг суратлари холос. Адабиётда мета асар, деган тушунча бор, яъни кўприк асар. “Ёлғизлик” ана шундай асар.

— Айтадиган гапи бўлмаган одам қўлига қалам олмаслиги керак, дейишади. Сизни ҳали айтадиган гапларингиз кўп назаримда?

— Ҳар доим ўзимга “Улуғбек, бу ёзганларинг сен учун бир тажриба бўлди, энди ҳақиқий асарларингни ёз”, дейман. Орттирган тажрибамни энди қоғозга тушираман.

— У асар қачон ёзилади?

— Омад деган нарса бўлади. Мен сюжет кидириб юрибман. Масалан, “Тўғри одам” сарлавҳасини ёзиб қўйганман, бу қисса учун ҳали биргина сўз ҳам ёзилмаган. Мен бадий ғоямга мос келадиган сюжетни излаб юрибман. 20 йилдан бери туртки кидирипман. Агар бошласам, ўрма-ўзраки бўлиб қолади. Мен ўша турткини учратишим керак ва ана шундан кейин яхши асар ёзилади. Бу туртки омад билан боғлиқ, Омад келса, уни албатта учратасиз. Менда етарлича тажриба бор, ғоялар бор. Лекин ҳаётдан ўша сюжетни, ўша “штрих”ларни кутаман. Уни ўйлаб топиб бўлмайди, сунъийлик бўлади, уни ҳаётнинг ўзи беради.

— Раҳмат, соғ бўлинг, мувозанатни йўқотмайлик.

Нигора ҲАСАНОВА,
суҳбатлашди.

ОДАМДАН ОДАМГА ЮҚМАЙДИМИ?

FARG'ONA VILOYATI OLTIRARIQ TUMAN HOKIMNING QARORI

2021-yil 7-noyabr 09:11:43 (QZT) Oltirariq tuman hokimligi

Олтиариқ тумани Азиямобод МФЙ хузулда кутуриш касаллиги бўйича носоғлом пункт деб эълон қилиш ва чеклов қўйиш ҳақида

Олтиариқ тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Н. Усмоновнинг туман ҳокими номига ётган мурожаати, Фирғона вилоят ҳайвонлар ҳалокатлари талқини ва ошқ-овқат маҳсулотлари заҳарлиликни давлат марказининг 28.09.2021 йил куни № 2850-сонли тумандаги Азиямобод МФЙ хузулда бир бош қоронгоқда “Кутуриш” касаллигини кўзга тутиш (бабеш-негри тилчалари) аниқлаштирилиши ҳақидаги экспертиза хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонунини 6.8-моддаларига биноан талқин қилиб

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “Азиямобод” маҳалласида яшайдиган Азизбек исмли фуқаро эсини танибдики хонадонидан чорва боқади. Бироқ шу кунга қадар ҳайвонларда кутуриш билан боғлиқ кўнгилсизлик аниқланмаган. Бугуннинг салбий қаҳрамони бўлиб турган сигирни харид қилинганига эса ҳали кўп бўлмаган эди. Унинг сўзларига кўра, эрта тонгда сигирнинг ноодатий овозидан уйғонади, молхонага бориб, сигирда кутуриш аломатларини кўради. Унинг мурожаатига кўра, туман ветеринария бўлими ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати масъуллари манзилга етиб келади. Хонадонда яна иккита қорамол ва битта ит бор. Касаллик аниқлангач, улар алоҳида назоратга олинган. Оила аъзолари ҳам эмланган.

Фарғона вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари заҳарлиликнинг давлат марказининг “Азиямобод” МФЙ ҳудудида бир бош қорамолда кутуриш касал-

лигини қўзғатувчи (Бабеш-Негри таначалари) аниқлангани ҳақидаги экспертиза хулосасига кўра Олтиариқ тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи И.Усмонов туман ҳокимига мурожаат йўллайди. Шунингдек, “Ветеринария тўғрисида”ги қонуннинг 6.8-моддаларига биноан танишиб чиқиш масаласини илгари суради. Шу асосида мазкур маҳалла ҳудудида кутуриш касаллиги бўйича носоғлом пункт деб эълон қилиш ва чеклов қўйиш ҳақида ҳоким қарори чиқади.

Қарорда ҳудудда текширув ишларини олиб бориш бўйича қатор йўналишлар белгиланди. Кутуриш касаллигига мойил бўлган барча ҳайвонларни клиник кўрикдан ўтказиш ва дезинфекция қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, дайди, қаровсиз ит ва мушукларни тутишга ички ишлар ҳамда ободонлаштириш бошқармаси ходимлари жалб этиладиган бўлди.

Ҳали тасдиқланмаган, тахминга асосланган масалада нега бу қадар жиддий тадбирлар қўлланилди? Кутуриш аслида қандай касаллик?

ТАРИХГА НАЗАР

Кутуриш барча иссиқ қонли ҳайвонларда ва одамларда учрайдиган бедаво, ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Ушбу касаллик одамларга асосан кутурган итлар ва мушуклар, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг тиришаи, тишлаши натижасида ҳайвонларнинг сўлаги орқали юқади. Чунки касаллиқни қўзғатувчи вирус кутурган ҳайвонлар сўлагида бўлади.

Манбаларга кўра, Аристотель эраимдан тўрт аср аввал биринчи марта одамларда ушбу касаллик кутурган итлар тишлаши натижасида келиб чиқишини айтган. Қадимий Шарқ табиблари эса 3000 йил олдин кутуриш касаллиги билан итлар ва одамлар касалланиши тўғрисида ёзгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Тиббиёт ривожланмаган, турли касалликларни эрта аниқлашнинг имкони бўлмаган даврлардаёқ одамлар ушбу ўта хавфли касаллик ҳақида маълумотларга эга бўлган. Чунки унинг белгилари итларда яққол кўриниб туради. Кутурган итда касаллик яширин даврининг охириги 10 кунда ҳамда касаллик бошланганидан то ўлгунга қадар юқумли ҳисобланади. Яқини ўлим бўлган кутуриш одамдан одамга ва одамлардан ҳайвонларга юқмас экан. Энг ёмони, шу кунга қадар касаллиқни даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган ва ҳасталик жуда оғир кечиби, 100 фоиз ўлим билан тугаркан.

Рус ёзувчиси Антон Чехов кутуриш касаллигига дучор бўлган набирасини кузатиб, уни жуда қийналиб жон берганини кўргач, “Бир ҳафтача ўзимга келолмадим, телбанома бўлиб юрдим, шундан кейин, дунёдаги барча итлардан ҳам, итбоқарлардан ҳам кўнглим қолиб кетди”, деб ёзади.

Одамларда кутуриш касаллигининг аломатларини дастлаб юнон шифокори Корнел-Цельз ёритган ва касаллиқнинг асосий аломатларидан бири, яъни сувдан кўрқиш аломатига асосланиб, касаллиқни гидрофобия (сувдан кўрқиш) деб номлаган. Цельз одамга кутуриш касаллиги итдан юқишини ёзиб қолдирган. У кутурган ит тишлаган жойга қиздирилган темир босишни, Хален эса тишланган жойни соғлом тўқима чегарасигача кесиб олиб ташлашни, римлик олимлардан бири кутурган ҳайвон тишлаган одамга ўша ҳайвоннинг жигарини истеъмол қилишни тавсия этган.

Айрим халқларда кутурган ҳайвон тишлаган одамни заҳарли илонга қақтиришган. Улар илон заҳари кутуриш касаллиги “заҳрини” сиқиб чиқариш йўли билан бу касалликдан ҳалос бўлиш мумкин, деб ҳисоблашган.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида ҳайвонлар ва одамларда кутуриш касаллигининг кечиши, касаллик аломатларини ҳамда даволаш усуллари баён қилган. Ибн Сино кутурган ит қопган одамга денгиз қисқичбақасининг кўзини ичирилишини, шунингдек, касалда сувдан кўрқиш ҳолати пайдо бўлганидан кейин, уни қопган итнинг жигари ва юрагини ёки сиртлоннинг қовурилган териси билан оқватлантирилиши фойдали эканлигини таъкидлаган.

КАСАЛЛИК ВИРУС ҚАҚИРАДИ

Албина МУСАЕВА, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлиги хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим мудири:

— Кутуриш касаллиги инсониятга эраимдан олдинги IV-V асрлардаёқ маълум бўлган. Бу ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, асаб тизимининг зарарланиши билан кечади ва ўз вақтида тиббий профилактик эмлаш ишлари ўтказилмаса, ўлим билан тугайди. Вирус табиатда барча иссиққонли ҳайвонлар танасида яшайди ва соғлом организмга сўлак орқали

тишлаганда ёки жароҳат сўлаклаганда юқади. Кутуриш касаллиги юққан ҳайвонлар жуда жахлдор ва қопанган бўлиб қолади. Натижада одамларни тишлаган жойида сўлаги орқали вирус юқтиради. Вирус одамнинг бош миясига етиб келиб кўпая бошлайди. Баъзи вақтларда кутурган ҳайвонлар сўлаги кичкина тирналган терига тушса бас, касаллик юқаверади. Вирус одам танасига киргандан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 12-14 ойгача вақт ўтиши мумкин.

Касаллиқнинг биринчи ўзига хос хусусияти тишланган жойда оғриқ пайдо бўлади. Вирус мушак тўқимасида кўпайиб, периферик нервга тушади, тарқалади ва орқа мияга, у ердан бош миягача етиб боради. Бош мияга етиб бориб вирус тез кўпаяди ва нерв тизими орқали тарқалади. Белгилари: гидрофобия (сувдан кўрқиш), аэрофобия (хонада оз бўлсада ҳаво тўқиллашидан кўрқиш), дисфагия (ютиниш бузилиши), кўнгил айнаш ва қайд қилиш. Кескин ҳаракат, кейинчалик кома ва ўлимга етакловчи фалажлик юзага келади, одатда бемор юрак ёки ўпка етишмовчилигидан вафот этади. Касал ҳайвон билан мулоқатдан кейин биринчи тиббий ёрдам чоралари 100 фоиз ўтказилиши кутуриш касаллиги ҳолати келиб чиқишининг олдини олади. Касаллик бошлангандан кейин интенсив терапия ўтказилмаса, бемор 7-10 кунда вафот этади.

Кутуриш касаллигига мавсумийлик хос бўлиб, асосан баҳор ва ёз ойларида итлар кўпайиб кетганида ушбу касаллик қайд қилиниши мумкин. Касаллик қайд қилинганда 2 км. радиусда аҳоли яшайдиган ҳудуд белгилаб олинади.

ВАЗИЯТ ЮМШАСА...

Демак, биргина гумоннинг ўзи ҳам ана шундай ўта хавфли ва бедаво касаллиқнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўришга асос бўла олади. Шу боис айна пайтда чеклов қўйилган бўлса-да, маҳаллада вазият барқарор. Туман ҳокимининг қарорига кўра, қатъий тадбирлар, давом этмоқда. Белгиланган 2 ойлик муддатда ҳудудда кутуриш билан боғлиқ бошқа ҳолат аниқланмаса, ноябрь ойи якунида чекловлар бекор қилиниб, маҳалла одатий ҳаёт тарзига қайтади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

SHAXMAT

10-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№45 (2687)ТОШКЕНТДА
ДУНЁ ШАХ-
МАТЧИЛАРИЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
СОВРИНИ УЧУН КУРАШИШАДИ

Мамлакатимизда иқтидорли шахматчиларни тайёрлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўтаётган йил давомида юртимиз шахматчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки сон ва сифат бўйича юксалганлигини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланганидек, ҳудудларда ташкил этилаётган оммавий шахмат мусобақалари кундан кунга ортиб бормоқдаки, бу эса салоҳиятли "ақл гимнастикаси" соҳибларининг сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилдан эътиборан Тошкентда анъанавий тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро шахмат турнирини ўтказиш белгиланган. Ўзбекистонда илк бор ташкил этилиши режалаштирилган ушбу халқаро мусобақа жорий йилнинг 10-19 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Жаҳон шахмат оламида "Ўзбекистон Президенти соврини" халқаро турнири мақомига эга бўлган мусобақада дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатидан маҳоратли grossмейстерлар иштирок этиш истагини билдирди, дейилади Ўзбекистон шахмат федерацияси матбуот хизмати хабарида.

Хабарда айтилишича, Тошкентда ўтадиган шахмат "жанг"ларида Ўзбекистоннинг таниқли grossмейстери Рустам Қосимжонов билан Санан Сюгиров, Максим Чигаев, Павел Понкратов, Михаил Кобаллиа, Вадим Звягинцев, Максим Матлаков (Россия), Шант Саргсян (Арманистон), Эхсон Гаемагани (Эрон), Вячеслав Зарубицкий (Беларусь), Ханс Ниemann (АҚШ), Олександр Моисенко, Антон Ситников, Виктор Дмитренко, Дмитро Мишчук (Украина) каби номдор спортчилар катнашиши кутилмоқда.

Ўн кун мобайнида бўлиб ўтадиган шиддатли шахмат мусобақаларини фаластинлик Алсуси Ражаи, россиялик Михаил Криуков, беларуслик Владимир Полей, арманистонлик Ашот Вардапетян, тожикистонлик Илҳом Юнусов каби халқаро миқёсдаги ҳакамлар билан юртимизнинг бир қатор ёш шахмат ҳакамлари ҳам бошқариб боришади.

Халқаро турнир дастурига биноан 11 ноябрь кунги блэс турнир ташкил этилса, 13, 14 ва 16 ноябрь кунлари иштирокчилар иккитадан турда ғолиблик учун ўзаро дونا суришлари белгиланган.

Тошкентда ташкил этилаётган халқаро шахмат турнирида 2021 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, ФИДЕ рейтингига 1 800 балл ва ундан юқори очкога эга эркаклар ҳамда ФИДЕ рейтингига 1 600 ва ундан юқори балл соҳибаси бўлган аёллар иштирок этиши мумкин.

Мусобақанинг умумий соврин жамғармаси 120 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу, Ўзбекистон тарихидаги энг юқори соврин жамғармасига эга шахмат турнири эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тошкентда ўтадиган "ақл гимнастикаси" мусобақалари дунё шахмат оламининг яқин йиллардаги ёрқин юлдузларини камолга етказадиган кенг майдон бўлиб танилишдан ташқари, Ўзбекистоннинг жаҳон шахматидаги обрў-эътибори ортишига салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти жамоаси журналист Эркин Эсиргадиевга онаси **ОЙИМХОЛ** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Соврин жамғармаси 120 минг доллар.

ИПОТЕКА БАНК
МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

ИПОТЕКА БАНК ТОМОНИДАН
ЕТТБНИНГ МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА «БИЗНЕСДАГИ
АЁЛЛАР» (CAWIB) ДАСТУРИ
ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЛК БОР «ТАДБИРКОР АЁЛЛАР»
СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРЬ
КУНИ ТОШКЕНТНИНГ «НУАТТ
REGENCY» МЕҲМОНХОНАСИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК МАРОТАБА
АЁЛ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА
ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
«БИЗНЕСДАГИ АЁЛЛАР»
(CAWIB) ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
«ТАДБИРКОР АЁЛЛАР»
СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ушбу дастур Европа тикланиш ва тараққиёт банки тарафидан молиялаштирилиб, техник кўмак эса Германиянинг «German Sparkassenstiftung for International Cooperation» ташкилоти ва IPC - Internationale Projekt Consult GmbH консалтинг компанияси томонидан тақдим этиб келинмоқда.

Семинарда "Тадбиркор аёл" – Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Махмудова ҳам иштирок этиб, мамлакатимиздаги ишбилармон аёлларга яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, у уюшма фаолиятига доир маълумотлар билан ўртоқлашди.

Шу ўринда, ТЕННИКУМ долзарб касблар мактаби асосчиси Дмитрий Середин тарафидан интерактив тарзда ўтказилган «Рақамли савдо каналлари ва рақамли маркетинг» мастер-класси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда ташкилотчилар томонидан бу каби учрашувлар аёл тадбиркорлар учун аниқ муддао эканлиги таъкидланди ва келгусида бу каби тадбирлар давомий бўлиши билдирилди. Кўтаринки руҳда ўтган семинардан миқозлар мамнун бўлишди.

Банк ахборот хизмати.



CAWIB дастури аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга ҳам молиявий ёрдам ва ҳам консалтинг хизматлар кўрсатишни назарда тутди. Дастур Ўзбекистонда Ипотека банк томонидан юқори даражада амалга оширилмоқда ва

бу бизнесдаги аёллар учун манзур бўлмоқда. Шу кунга қадар дастур доирасида аёл тадбиркор бўлган Ипотека банкнинг 76 нафар миқозси, жами 7,2 миллион АҚШ доллари миқдорига ўз бизнесларини ривожлантириш учун молиявий маблағларга эга бўлишди.



O'zbekiston ovozi

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDYOQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: uzbovozi@mail.ru

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ahmad QURBONOV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1141. 3510 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:00.

ISSN 2010-7633



7 72010 763006



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda